

Гипсда таҳорат ва ғусл



06:10 / 04.10.2018 6294

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, менинг бир оёғим синиб hozир гипсда. Бир амаллаб оёғимни кўтариб ғусл қилдим, лекин гипсни устидан масх тортмасдан намозларимни ўқийверибман. Шу намозлар ўтадимми ёки бошқатдан ўқийми? Иккинчи саволим динда ўзини қийнаш йўқ бўлгани сабабли намозларимни тошда таяммум қилиб ўқияпман. Шу жоизми ёки таҳорат қилиб оёғимга масх тортишим керакми? Бир оёғимда гипс, иккинчисини ҳам ювиш қийин мен учун бир оёқда.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Бошқаттан ўқиб олинг. Таҳорат олиб оёғингизга [масх](#) тортишингиз шарт. Чунки масх тортиладиган аъзолардан кўра ювиладиган аъзо кўпроқ бўлса ювиш фарз. Валлоҳу аълам!

Куйидаги линкларда берилган жавобларни ўқинг

<http://savollar.islom.uz/search?words=%D0%B3%D0%B8%D0%BF%D1%81+&page=1>